

«UZTRADE» Акциядорлик жамияти
Ягона акциядорининг
ҚАРОРИ № 4

Тошкент ш.

«16» 10 2023й.

«UZTRADE» АЖнинг чиқарилган ва жойлаштирилган умумий оддий акциялари сони - 59 728 091 731 донани ташкил этади.

«UZTRADE» АЖнинг ягона акциядори - 59 728 091 731 дона овоз бериш ҳуқуқига эга оддий акциялари эгаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги ҳисобланади.

«UZTRADE» АЖ Ягона акциядорининг қарори янги таҳрирдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддаси асосида амалга оширилади ва расмийлаштирилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига риоя этиш мажбуриятини қабул қилиш тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Активларини бошқариш агентлиги томонидан 2023 йил 23 июнда қабул қилинган 145-сонли буйруқга асосан, жамиятнинг Корпоратив бошқарув қоидаларига «Хабарнома» шакли киритилиши ва ОАВ да эълон қилиниши тўғрисида.
3. Жамиятда Корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларини сифатли жорий этишда иштирок этувчи бошқа турдаги ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:

«UZTRADE» АЖ Корпоратив бошқарув қоидаларига риоя этиш тўғрисидаги ҳужжатларнинг жамият ижроия органи томонидан ишлаб чиқилиб, уни тасдиқлаш учун Ягона акциядорга тақдим этилди.

Қарор қабул қилинди:

1. «UZTRADE» АЖ томонидан корпоратив бошқарув қоидаларига риоя қилиш бўйича ишлаб чиқилган ички ҳужжат жамият иш фаолияти давомида фойдаланиш учун тасдиқлансин.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси Давлат Активларини бошқариш агентлиги томонидан 2023 йил 23 июнда қабул қилинган 145-сонли буйруқга асосан, жамият Ягона акциядоридан Корпоратив бошқарув қоидаларига Хабарнома шаклини киритиш ва ОАВ да эълон қилиш учун руҳсат сўради.

Қарор қабул қилинди:

1. «UZTRADE» АЖ томонидан корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига риоя этиш мажбурияти қабул қилинганлиги тўғрисида оммавий ахборот воситаларида хабарнома эълон қилинсин.
2. «UZTRADE» АЖ Корпоратив бошқарув қоидаларига “Хабарнома шакли” киритилсин.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан:


«UZTRADE» АЖ фаолиятининг назорат қилинадиган йўналишларининг асосий қисмларини ўзида акс эттирувчи коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва шу каби ҳужжатларнинг ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланишга тайёр эканлиги тўғрисида айтиб ўтди.

Қарор қабул қилинди:

- «UZTRADE» АЖ томонидан жамият иш фаолиятини самарали ташкил этилишида зарур бўлган ва ижроия орган томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатлар тасдиқлансин :

1. «UZTRADE» АЖ Коррупцияга қарши курашиш сиёсати
2. «UZTRADE» АЖнинг Манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати
3. «UZTRADE» АЖнинг Қоидабузарликлар ҳақида хабардор қилиш сиёсати
4. «UZTRADE» АЖнинг Ижроия органига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом
5. «UZTRADE» АЖ Ахлоқ Кодекси
6. «UZTRADE» АЖ Корпоратив бошқарув қоидалари
7. «UZTRADE» АЖ Ижроия органининг раҳбарлик лавозимларига танлов ўтказиш ва номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги Низоми.

**«UZTRADE» АЖ
Ягона акциядори,
Инвестициялар, саноат ва
савдо вазирлиги ҳузуридаги
Экспортни рағбатлантириш
агентлиги Директори**


У.Мурадов

Қарор имзоланган сана

« 25 » 10. 2023 й.